ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 4 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 5, НОМЕР 4

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 5, ISSUE 4

ТОШКЕНТ-2022

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№4 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2022-4

Бош муҳаррир:
Тўхтасинов Илҳом
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Главный редактор:
Тухтасинов Илхом
д.п.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Editor in Chief:
Tuhtasinov Ilhom
DSc. Professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Боқиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Маҳмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматқул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркманистон)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Умарҳўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмуҳаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек
масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Балтабаев Хамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Сиддикова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек
отв. секретарь, доцент (Узбекистан)

EDITORIAL BOARD

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Yusupov Oybek
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

Pagemaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Elmuradova Gulrukh Karimalievna
TOURISM TEXTS AND THEIR PRAGMALINGUISTIC FEATURES……...…5

2. Qahramon Eshboyev
GRADUONIMIYA VA SINONIMIYANING O‘ZARO MUNOSABATI MASALASI XUSUSIDA……...….12

3. Райхонова Мухайё Мухаммадиевна
ШЕЪРИЯТДА БАДИИЙ ТАСВИР УЙҒУНЛИГИ……...…16

4. Дилдора Юнус кизи Юсупова
ЭВФЕМИЗМЫ В ПОЭЗИИ ХАЛИМЫ ХУДОЙБЕРДИЕВОЙ……...23

5. Dilorom Nigmatovna Yuldasheva, Madina Ilhom qizi Ro‘ziyeva
LISON-TAFAKKUR-NUTQ MUNOSABATI – SUBSTANSIAL TILSHUNOSLIKNING BOSH MAVZUSI…….....29

6. Жаримбетова Толғанай Қурбанбаевна
БАДИИЙ ҲУЖЖАТЛИ ҚИССАЛАРДА ҚАҲРАМОН ОБРАЗИНИ ЁРАТИШ МАҲОРАТИ……...36

7. Назарова Иноятхон Бахтиёрхўжаевна
МИЛЛИЙ ЭСТРАДА АКТЁРИ ВА УНИНГ НУТҚ МАҲОРАТИ……..43

8. Ниязов Равшан Туракулович
ДЕТЕКТИВ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА БАДИИЙ ЎЗИГА ХОСЛИГИ……...49

9. Tajiboyev Botir Raximjonovich
ASSOTSIATIV LUG‘ATLARNING YARATILISHIGA BIR NAZAR……..56

10. Шеркулов Сардор Комилович
ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА У.ФОЛЬКНЕР НАСРИ АНЪАНАЛАРИ……61

11. Yuldasheva Dilorom Nigmatovna, Gulamova Dilobar Imamkulovna
EVFEMIZMLAR O‘QUVCHI NUTQ MADANIYATINI RIVOJLANTIRUVCHI OMIL SIFATIDA…….67

12. Юсупова Дилдора Юнусовна
ХУДОЖЕСТВЕННАЯ РЕЧЬ И МНОГОЗНАЧНОСТЬ……74

13. Abdurakhmanova Nargiza Nusratullayevna
THE CONCEPT OF “INSTRUCTIVE DISCOURSE” IN ENGLISH AND UZBEK AND ITS METHODOLOGY….81

14. Ilxomova Umida Djamaliddinovna
AMERIKA ADABIYOTIDA “O’QITUVCHI” OBRAZINING BADIIY TALQINI (BEL KAUFMANNING “PASTKI ZINADAN YUQORIGA” ASARI MISOLIDA)…….87

15. Наширова Дилноза
ЎЗБЕК ТИЛИДА ЙЎНАЛМА ҲАРАКАТ ФЕЪЛЛАРИ ТИЗИМИ……92

16. Rasulova Soxiba Ulug’bekovna
VASHINGTON IRVING IJODIDA SATIRA VA YUMOR……...98

17. G'aybullayeva Xatira Muratdjanovna
BADIIY TARJIMADA LINGVOMADANIY TAHLILNING AHAMIYATI……...107

18. Икрамова Азиза Аминовна
ИҚБОЛ МИРЗОНИНГ “САМАРҚАНД САЙҚАЛИ” ШЕЪРИЙ ДРАМАСИДА СИНКРЕТИК ХУСУСИЯТЛАР…….113

19. Abduxalimova Sarvinozxon
THE CONCEPT AND CONTENT OF INTERCULTURAL DISCOURSE……..119

20. Турсуной Эргашева
СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ ЙЎНАЛИШИ МУТАХАССИСЛАРИГА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ……..……..125

21. Boboyorova Maftuna Raxmonovna
INGLIZ TILIDA SO'Z YASALISHINING BA'ZI USULLARI……..130

22. Qilicheva Gulruh Narzullayevna
GUSTAV FLOBERNING "SALAMBO" ROMANIDA INSON RUHIYATINING BADIIY TALQINI…….135

23. Rustamova Shahnoza Aripovna, Asadova Chehrangiz Salimovna, Boboyorova Maftuna Raxmonovna
CHET TILI O'QITISH BO'YICHA BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINING O'Z-O'ZINI BAHOLANISH KOMPETENSIYASINI SHAKLLANTIRISH…….139

24. Eshimova Sharofat Kenjaboyevna
PERSONIFIKATSIYA ORQALI OBRAZNING YARATILISHI…….146

25. Абдуллаева Нилуфар Насуллоевна
ЛЕКЛЕЗИОНИНГ "ОЧЛИК РАҚСИ" РОМАНИДА ҚАҲРАМОНЛАР СИЙМОСИДА ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ТАСВИРЛАНИШИ……...…152

26. Дилбар Холтемировна Ниязова
БАДИИЙ МАТНДА ИЖОДКОРНИНГ СЎЗ ТАНЛАШ ВА ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ……..159

27. Наширова Дилноза
ЎЗБЕК ТИЛИДА ЙЎНАЛМА ҲАРАКАТ ФЕЪЛЛАРИ ТИЗИМИ……..164

28. Usmanova Moxira Kenjayevna
O'ZBEK TILIDA SO'ZLARNING TOVUSH ALMASHISHI NATIJASIDA SODDALASHISHGA UCHRAGAN BIRLIKLAR…….170

29. Халида Йўлдашева
БАДИИЙ МАТНДА ИЖТИМОИЙ ДЕЙКСИСГА ИШОРА ҚИЛУВЧИ ГРАММАТИК ВОСИТАЛАР…….176

30. Хотамова Парвина Илхомовна
ЎЗБЕК ТИЛИ ГАП ТАРКИБИДА КВАЛИКАТИВ ПОСЕССИВ СИНТАКСЕМА ВАРИАНТЛАРИ.....182

31. Хотамова Парвина Илхомовна
КВАЛИКАТИВ ПОСЕССИВ, ПОССЕСИВ ТОТАЛ, ПОСЕССИВ АГЕНТИВ СИНТАКСЕМАЛАР.....185

32. Турымбетов Байрамбай Қонысбаевич
Г. ЕСЕМУРАТОВА АСАРЛАРИДА ДАВР ҲАҚИҚАТИ ТАСВИРИ.....189

33. Mirjalilova Madina Jamshid qizi
FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR LINGVOKULTUREMA SIFATIDA……...194

ISSN: 2181-9297
www.tadqiqot.uz
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Турымбетов Байрамбай Қонысбаевич
Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази Катта ўқитувчи

Г. ЕСЕМУРАТОВА АСАРЛАРИДА ДАВР ҲАҚИҚАТИ ТАСВИРИ

https://doi.org/10.5281/zenodo.6777597

АННОТАЦИЯ

Мақолада қорақалпоқ адабиёти таниқли ёзувчиси Г.Есемуратова асарларида ҳаётий ҳақиқат ва бадиий маҳорат муаммоси ўрганилади. XX асрнинг 30-40 йиллари қатоғонлик даврида халқимиз бошидан кечирган оғир кунлар билан ўтган асрнинг 70-80 йиллари собиқ иттифоқ давридаги айрим кимсаларнинг мол-дунё, обрў орттириш йўлида инсон қадрини топташи каби масалалари “Минг бор узр” (Мыңда бир кешириш) ҳамда “Эскирган шиорлар” (“Гөнерген сүренлер”) қиссалари мисолида илмий-назарий таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: ҳаётий ҳақиқат, бадиий маҳорат, характер, конфликт, драматизм, бадиий деталь.

Турымбетов Байрамбай Конысбаевич
Региональный центр переподготовки и повышения квалификации работников народного образования Республики Каракалпакстан Старший преподаватель

ПРАВДА В ТВОРЧЕСТВЕ Г. ЕСЕМУРАТОВОЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье говорится о выдающейся писательнице каракалпакской литературы Гулайше Есемуратовой, об ее умении художественного воспроизведения правды жизни и времени. В повести “Мыңда бир кешiрим” (Одно из тысяч извинений), где говорится о тяжелых днях, выпавших на долю народа в период репрессий 30-40-ых годов XX века, раскрывается мастерство писателя в художественном изображении правды жизни, а также целый ряд изобразительных средств, с помощью которых автор добивается поставленных целей.

Автор статьи делает анализ и другой повести писательницы “Гөнерген сүренлер” (Устаревшие лозунги), раскрывая литературную ценность и художественную правду жизни 70-80-ых годов прошлого века. В этой повести изображается, как во времена застоя некоторые люди в целях своего обогащения и завоевания дешевого авторитета угнетают других, и ни во что не ставят человеческую жизнь, жизнь простого гражданина.

Ключевые слова: правда жизни, художественная действительность, характер, конфликт, драматизм, деталь.

Turymbetov Bairambai Konysbaevich
Regional Center of Retraining and Qualification
Upgrading of public education staff of the
Republic of Karakalpakstan Senior teacher

THE TRUTH OF THE ERA IN THE WORK G. ESEMURATOVA

ANNOTATION

This article is about the outstanding writer of Karakalpak literature Gulaysha Yesemuratova, about her ability to artistically reproduce the truth of life and time. The story "Mynda bir keshirim" (One of a thousand apologies), which is about of the hard days that fell on people during the period of repressions of the 30-40s of the twentieth century, reveals the writer's skill in the artistic depiction of the truth of life, as well as a number of pictorial means by which the author achieves her goals.

The author of the article makes an analysis of another story by the writer "Gonergen Surenler" (Obsolete Slogans), revealing the literary value and artistic truth of life in the 70-80s of the last century. This story depicts how, in times of stagnation, some people, in order to enrich themselves and gain cheap prestige, oppress others, and do not value human life, the life of a simple citizen.

Key words: truth of life, artistic reality, character, conflict, drama, detail.

Ҳаёт деб аталмиш бу дунёда инсон яшар экан, унинг умри доимо курашлардан, тўсиқлардан, тўқнашувлардан иборат. Инсон умри мобайнида ҳаётдаги ўз ўрни, мавқеи, яхши яшаш учун ўзгалар билан истайдими, йўқми курашга шайланган бургут мисол тўқнашувларга дуч келаверади. Тўқнашувларсиз бу ҳаётни кўз олдимизга келтиришимиз қийин. Демак, ҳаёт тўсиқларга, зиддиятларга тўла экан, уни кузатувчи, ўзича қандайдир хулосалар чиқариб, кенг жамиятни тасаввур қила оладиган, бошқаларга сира ўхшамайдиган истеъдод эгалари бўлади.

Келинг, XX аср қорақалпоқ адабиётида кўзга кўринган, халқ назарига тушиб улгурган таниқли ёзувчи Гулайша Есемуратованинг истеъдоди, қолаверса бадий маҳорати ҳақида бир оз фикр юритсак.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб ўзининг бир қанча ҳикоялари билан танилган Г. Есемуратова 80-йиллардан бошлаб, истеъдодини катта прозада синаб кўрмоқчи бўлади. Ҳақиқатдан ҳам қисса жанрида қалам тебратишга уринган ижодкор, ўз истеъдоди ва бадиий маҳоратини бутинлигича намоён эта олади.

"Бадиий ҳақиқат ва ҳаёт ҳақиқати бир хил нарса эмас, – дейди Ҳ.Умуров, – турмуш ҳаётдан бутунисича санъат асарига олиб кирилса, у ҳаётий ҳақиқатлигини йўқотади ва бадиий ҳақиқат ҳам бўлмайди" [1.24-б]. Ёзувчи Г.Есемуратованинг биз таҳлил қилаётган асарларининг барчасида ҳаёт ҳаққонийлиги, давр ҳақиқатини аниқ ва равшан кўрсатишга ҳаракат қилган. Унинг асарларида ёлғон тўқима, ҳаётда бўлиши мумкин бўлмаган воқеаларни ҳеч бир эпизодда учратмаймиз.

Айтиб ўтишимиз жоизки, ёзувчи ўз фаолиятини XX асрнинг 50-йилларидан бошлаган бўлсада, унинг ҳеч бир ҳикоя ёки қиссасида (шу давр ёзувчиларининг қиссаларини ўқиб, чуқур ўрганар эканмиз) давр ҳақиқатидан чекиниш, замонасозликни кузатмаймиз. Унинг ҳар бир қиссаси ҳаёт ҳақиқатини, белгили (маълум) даврни яққол тасавирлашга уринганини кўрамиз.

Яқин даврларгача ҳаёт воқеалари, ҳаётда юз бераётган, аммо кўпчилик диққат қаратавермайдиган ҳаётдаги майда-чуйда нарсаларда деган тушунчага ҳақиқий ҳаётий воқеаларни тасвирлайдиган асарлар назардан четда қолиб келди. Шунингдек, ҳаётда кундалик турмушимизда юз бераётган ҳар қандай адолатсизликларни, зўравонликларни тасвирлашда кўпчилик ёзувчиларимиз ҳадиксирашди. Сабаби, ўтган асрдаги қатоғон тузими сиёсати устунлик қилиб турган даврда шунга ўхшаш воқеаларни адабиёт оламига олиб чиқиш хавфли эди. Адабиётшунос ва критик Қ. Султонов ўша давр адабиёти ҳақида "Еркин Қарақалпақстан" газетаси саҳифаларида "ёзувчиларимиз оёғимнинг остида бало бор экан-ми деб қолтираб оёқ босишади. Қўрқув, хаёллар одамларнинг юрагини олдириб қўйишган", – деб даврнинг

ижодкорларига солган хавфни тўғри қаламга олади. Дарҳақиқат, “Адабиёт даврнинг ички мазмун имкониятларидан келиб чиқишини унутмаслигимиз зарур. Буни эса ижодкорларгина англаб етишади. Кимда қобилият бўлса, ўшани илҳом топиб олади”, – дейди муаллиф [2].

Г.Есемуратова ижодиёти қорақалпоқ адабиётшунослигида чуқур ўрганилмаган. Баъзи тадқиқодчилар ёзувчи асарларини бошқа ёзувчиларнинг асарлари билан таққослаб ўрганиш учун уз тадқиқодлари объектига киритган. Улардан Ж.Сагидуллаева [3], З.Ктайбековаларнинг илмий ишларини кўрсатиб ўтсак булади [4].

Г.Есемуратова сермазмун ҳаётий тажрибага эга бўлган ёзувчилардан бири саналади. Унинг ҳар бир асари тарихий давр ҳақиқатига йўғрилган, ҳаётдаги кўрган-билганлари, ёши катта инсонлардан эшитганлари асосида яратилган. Жумладан, “Мыңда бир кеширим” (“Минг бор узр”) қиссаси 30-40-йиллардаги нафақат қорақалпоқ халқининггина эмас, балки, Марказий Осиё халқлари бошига тушган оғир мусибатлар, ҳаётда унутилмас доғ бўлиб қолган турғунлик йиллари қурбонлари авлодлари бошига тушган мусибатлар ва қора кунлари тўғрисида ёзилган дастлабки асарлардан бири саналади.

Филология фанлари доктори З. Бекбергенова “Қорақалпоқ адабиёти тарихида репрессия мавзуси жуда кам тилга олинганлиги муаммоларнинг бири эканлиги барчамизга маълум. Шунинг учун ҳам, ёзувчи Г. Есемуратова “Мыңда бир кеширим” номли қиссаси орқали дастлабкилардан бўлиб, 1937-йиллардаги репрессия оқибатларини, бутун инсоният бошига тушган азоб-уқубатларни бадиий бўёқларда тасвирлашга ҳаракат қилган”, – деб ёзгани фикримизни тўлиқ тасдиқлайди. [5.63-64]. Асар қаҳрамони ёш қиз Айнагул ва педагогик маданияти йўқ ўқитувчи Сейтмурат орасида конфликт орқали ҳақиқий тарихий даврни, яъний ўтган асрнинг 30-йилларидаги Кенгаш ҳукумати ғояларини нажот ва қурол этиб олган нокаслар элга солган вайронагарчиликлари очиб берилади. 30-40-йиллари юртимиз осмонини қонли репрессия тумани қоплади. Кўпчилик айбсиз шахслар, эл раҳбарлари, зиёлилар ва саводли одамлар ноҳақ, туҳматга учраб қамалади, сургун қилинади. Ҳатто, отиш жазосига маҳкум этилади. Уларнинг оилалари аъзолари, бола-чақаси ноҳақдан айбланади. Ҳали яхши билан ёмоннинг фарқига боришмаган фарзандларига “халқ душмани”нинг фарзанди деган тамғани даврнинг қора ва кўтара олмас оғир тўни остида қолишди.

Қорақалпоқ адабиётида ўз ўрни бор таниқли адабиётшунос П. Нуржанов “Айнагул-қорақалпоқ элидаги ноҳақдан туҳматга учраган эл фидоийлари, уларнинг ўғил-қизларининг драматизмга тўла ҳаётларини ўзида мужассамлаштирган моҳир тимсоли” [6.89] эканлигини жуда тўғри келтирган.

Филология фанлари номзоди М.Бекбергенова ҳам ёзувчининг мазкур асарига “Бадиий адабиётда 30 йилларда репрессия мавзуси очилмаган янги мавзулардан ҳисобланади. Қорақалпоқ прозасида “Минг бор узр” повестини янгилик десак бўлади” ижобий баҳо беради [7. 46-47]. Биз таҳлил қилаётган икки повест хақида атоқли қорақалпоқ адабиётчилари ва тадқидчилари томонидан даврий нашрлар ва илмий, илмий-оммабоп журналларда шиддат билан мақолалар ва тақризлар чоп этилди [8].

Асардаги асосий конфиликт Айнагул ва Сейтмурат ўқитувчи орасида бўлиб ўтади. Сейтмурат ўша даврдаги шўролар ҳукуматининг иштирокчиларидан бири. Унинг хаёлида ўзидан ожизларни босиб-янчиб, ўзини халқ душманларига қарши кураш олиб борувчи сифатида кўрсатиб юқори лавозимларни эгаллаш. Бу образ орқали бу йўлда шахсий манфаати учун ҳеч кимни айамайдиган ёвузларча иш олиб борадиган, қора ниятли шахсларнинг характерини яратиб берилган. Сейтмуратнинг ёвуз ҳатти-ҳаракатлари Айнагулга, ҳатто унинг атрофидагиларга қаттиқ таъсир қилади. Унинг ҳеч қандай педагогик маданият ва тажрибани эгалламагани, қўлида имконият борида лавозимдан фойдаланиб қолиш керак деган тушунчалар ҳулқ-атворидан, иш-ҳаракатларидан, ҳаттоки, сўзларидан сезилиб туради. Фақат хаёли ўша пайтда “креслоси” қизил столни эгаллаш эди. У ҳаттоки, мактаб ўқув тизимига ҳам “ўзгариш” киритди. Мактаб директори ўқитувчилар хонасига, тўрдаги синф раҳбари хонасига, ўша тўрдаги хонага Сейтмурат ўз аёлини кўчириб ўтказади.

Асар даврнинг аччиқ ҳақиқатли образли-психологик деталь- Айнагулнинг ўқишга боришида кийадиган ботинкаси ёрдамида жуда ажойиб тарзда очиб берилган. Ботинкани ҳар

куни кийарди, ечарди, унинг ҳар куни боғлаб юрадиган иплари зериктириб юборар эди. Ботинка шундай моҳирлик билан тикилган эди-ки, у қанча эскиртиришга уринмасин, ҳеч бир сўтила (йиртила) қолай демасди. Ботинка ипини ечишнинг ўзи шу даврдаги давлатнинг инсониятни бутун жамиятни ботинканинг ипи сингари қамраб олган сиёсатнинг сирли муаммоли томонларини ечишнинг, тушунишнинг имкони йўқлигидан дарак берар эди.

"Бугун ҳам Айнагул:

-Шу ботинкам қачон тўзаркан (эскирар)- деб нолий бошлади. Бу ҳали ўзимни тўздириб, тўзар [9.28], деб ботинканинг кийилиши устига ипининг ечилишининг мураккаблиги, ўзи яшаб турган жамиятнинг, ҳаётнинг тушунарсиз қаронғи, муаммоли томонларини ечишнинг қийин эканлиги билан бирга боғлаб психологик роль бажарган. Ёзувчи Айнагулнинг хаёлларидаги мана шундай қарама-қаршиликлар, келишмовчиликлар асосида қаҳрамоннинг ички туйғулари, дардлари ва ташвишларини очиб, жамиятда бўлаётган адолатсизлик, зўравонлик ва ноҳақсизликларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

Ёзувчининг ҳаётда бўлаётган воқеаларни ҳаққоний тасвирлаган қиссаларидан бири "Гөнерген сүренлер" ("Эскирган шиорлар") қиссасидир.

Қисса қорақолпоқ адабиётида ўтган асрнинг 70-80-йилларидаги халқимиз ҳаётида рўй берган адолатсизлик, зўравонлик, бетартиблик авж олган даврнинг аччиқ ҳақиқатини бадиий тасвирланган асарларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Қисса 1987-йили ёзилган бўлса-да, турли сабаблар билан 1990-йили "Амударё", журналида босилиб чиқди [10].

Асарда Санобар ва Султон образлари орқали шу даврда айрим мансабпараст раҳбарлардан кўрган азоб-уқубат, кечинмалари, хўрликлари, ор-номуснинг оёқ ости бўлган ёшлар турмуши ва шу орқали ҳукм сурган коммунистик ғояларнинг ёлғон, алдамчи ғоялар эканлиги аниқ кўрсатиб берилади.

Санобар-кўнглида кири йўқ, содда қишлоқ қизи. У шаҳарга ўқишга кириб, опасининг уйида яшай бошлайди. Шу ерда ўз севгилисини ҳам топади. Лекин, бахтга қарши уларнинг соф муҳаббатига "қундуз" телпак кийган директор йигит ўчмас қора доғ солади. Директор Санобарнинг опаси билан ўзаро тил бириктириб, унинг ор-номусини поймол қилади. Бундан ғазабланган Санобар, ҳақиқат учун кураш йўлига ўтади. Лекин, минг афсуски, унга ҳеч ким ёрдам бермайди. Бирдан-бир суянчиғи, севгилиси Султон ҳам ҳар хил боҳоналар билан ўқишдан ҳайдалади.

Қўлидан ҳеч нарса келмай, тушкунликка тушган Санобар яна ўзи туғилиб ўсган она қишлоғига бош олиб кетади. Унинг чўккан кўнглини дала шийпонига осилган шиорлар кўтаргандай бўлиб туюлади-ю, бироқ қайта чўктиради. Шиорда шундай сўзлар жилмайиб турар эди: "КПСС га шон-шарафлар", "КПСС нинг XXVI съезди қарорларини сўзсиз амалга оширамиз!" "Одам одамга дуст ва меҳрибон!" [9.85]. Лекин, бу шиорларни аллақачон қуёш нурлари емириб, ранги сўлғин ҳолга келган, сал кучлироқ шамол бўлса ағдарилиб тушадиган аҳволга келиб турган эди. Хўш, ёзувчининг ушбу тасвирдан кузлаган мақсади нима?

Ҳақиқатдан ҳам уша даврда бу каби шиорлар ҳар бир босган қадамимизда кўриниши одатий тус олган эди. Бундай шиорлар оқ кўнгил, садо халқни ишонтиргани билан, улар айрим юқори мансабдаги шахслар учун сиёсий қуролга айланган юзаки шиорлар эди.

Ҳеч нарса абадий бўлмаганидек, коммунистик партия ғоялари эскириб кетган шиорлар сингари ўзининг сўнги ҳукмини сураётган даврларига келиб қолган эди.

Ёзувчи шундай бўлишини билган, қолаверса даврнинг ўзи шуни очиқ-ойдин кўрсата бошлаганди. Яксон бўлаётган мамлакатда адолатсизликлар хукмрон, ҳаттоки айрим шахслар ўзига тегишли улушини олиб қолиш пайида ўзидан ожиз одамларни босиб, янчиб кетишдан ҳам тоймас эди. Раҳбарлари шундай бўлган давлатниг келажаги нима бўларди дейсиз? У ёғи қоронғу. Шунинг учун ҳам бу ғоялар ўз таъсирини йўқотди. Пойдевори мустаҳкам бўлган буюк мамлакат ўз-ўзидан парчаланди.

Қиссадан бунга мисол сифатида яна бир деталь: "Кутилмаганда чап томонимда, йўлнинг чеккароғидаги бир эски иморатга кўзим тушди. Эски иморатда тасвирланган доҳийимиз В.И.Лениннинг расми кун нуридан товланиб кўринганида, кўнглим бир тўлиб

тошди. Шунда жонсиз расмдан нажот сўраб туриб, яхшилаб қарасам, Ленининг бош қисми эски иморатнинг бўлагига қўшилиб икки бўлиниб кетганлигини сезиб қолдим. Сурат ботаётган қуёшнинг шуъласида қип-қизил қонга бўялгандай кўринарди [6.85].

Дарҳақиқат, уша пайтда буюк доҳий деб ишонган бу шахс бунёд этган катта "держава" (давлат) эски иморатда тасвирланган ўз акси сингари бўлиниб, ҳар бир миллат ўз мустақилликларига эга бўлиб, ўзлари ҳоҳлаган давлатни қурдилар.

Ёзувчи ўз қиссасида ўша даврнинг баландпарвоз шиорларидан яна бирига мурожаат қилар экан, асарнинг янада мазмунлироқ, ишончлироқ чиқишни истайди.

Райком секретаридан ҳақоратли сўзларни эшитиб қайтаётган Султоннинг отаси мактаб директори Мийирбек мактаб эшигининг икки томонидаги: "Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш,-деган шиорни ўқиб, ўзини бошқа бир дунёда яшаётгандек сезади. Мийирбек ўзига-ўзи савол бериб, кейин ҳайрон бўлди:

Ўқидик, ўқидик ва яна ўқидик. Натижада ким бўлдик, беш тийинлик ўқитувчими? Ҳа, ўқиганлар оқ кўнгил ўқитувчи бўлса, ўқимаган чала саводлар раҳбарлик лавозимларида ишладилар" [9.93].

Даврнинг аччиқ ҳақиқати ҳам мана шунда. Буни инкор этиб бўлмайди, албатта. Бундай даврнинг аччиқ ҳақиқатини тасвирлайдиган асарлар элимизда демократик жамият қурила бошлаганидан чоп этила бошлади. Даврнинг ҳақиқий син-синотини очиб ташлайдиган асарлар озми-кўпми қоғозга тушурилсаларда, уни нашриётга олиб чиқиш кийин давр булди.

Г.Есемуратованинг моҳирлиги, маҳорати, қолаверса, истеъдоди бутунлигича асарга кўчган. Давр ўша вақтда бунга имкон бермас, бугун асарнинг қиммати ўзгача жозибада.

Адабиётлар

1. Умуров Ҳ. Бадиий ижод манзаралари. Самарқанд.; "Зарафшон", 1992
2. Султанов Қ. Ҳәзирги қарақалпақ прозасы ҳаққында ойлар. // Еркин Қарақалпақстан // 1999-ж, 26-январь, 11-сон
3. Сагидуллаева Ж. Қоракалпоқ қиссаларида услубий изланишлар (80 йиллар қиссалари мисолида). Филололгия фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Нукус, 2010
4. Ктайбекова З. Мустақиллик даври қорақалпоқ ҳикояларининг поэтикаси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Нукус, 2020
5. Бекбергенова З. Жазыўшы ҳәм шеберлик. Н.; "Билим", 2020
6. Нуржанов П. Ҳәзирги қарақалпақ прозасының базы бир сыпатлы белгилери, өзгешеликлери, оны үйрениўдиң айырым теориялық ҳәм әмелий мәселелери. //Әмиўдәрья. 2001. 1-сон
7. Бекбергенова М. Турмыс шынлығын сүўретлеген көркем сөз шебери. //«Әмиўдәрья» журнали, №3, 2000.
8. Пахратдинов А., Дильманов И. Гулайша Есемуратова: «Для писателя важно понимать жизнь». «Вести Каракалпакстана», 23 мая 2000 г. №42
9. Есемуратова Г. Гөнерген сүренлер. "Әмиўдәрья" ж. 1990. 1-сон
10. Есемуратова Г. Шығармалары. 1-том, Нөкис, "Билим", 1995

ISSN 2181-9297
Doi Journal 10.26739/2181-9297

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 4 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 5, НОМЕР 4

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 5, ISSUE 4

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000